

Тасдиқланган



Акциядорларнинг 2020 йил
14 майдаги умумий йиғилиш
қарори билан

**«Samarqanddonmahsulotlari»
aksiyadorlik jamiyati**

2020 йил

БИЗНЕС РЕЖАСИ

МУНДАРИЖА

I булим

1.1. Жамият умумий паспорт маълумотлари	3
1.2. Жамият тугрисида умумий маълумот	4
1.3. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг руйхати	5
1.4. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларининг руйхати.	5
1.5. Жамият ижро этувчи органи аъзоларининг руйхати	6
1.6. Жамият корхоналари ишлаб чиқариш ва хизмат курсатиш ихтисоси	6
1.7. Асосий технологик жараёнлар	8
1.8. Маркетинг	9
1.9. Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш цехларининг қувватлари.	10

II булим

2.1. 2019 йил якунлари бўйича яратилган маҳсулотлар	11
2.2. 2019 йилда қишлоқ хўжалик корхоналаридан қабул қилинган галла.	11
2.3. 2019 йил якуни бўйича молиявий натижалар	12

III булим

3.1. 2020 йилда ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш	13
3.2. 2020 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш режаси	14
3.3. 2020 йилда режалаштирилган молиявий натижалар	15
3.4. 2020 йил туманлардан галла қабул қилиш ҳажмлари.	16
3.5. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарф буладиган хом-ашё	16
3.6. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун электр-энергия сарфи	17
3.7. 2020 йил бажариладиган ишлар	17

IV булим

Ишчи ва хизматчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш	20
--	----

I БУЛИМ.

1.1. Жамият умумий паспорт маълумотлари

Тулик номи:	«Samarqanddonmahsulotlari» aksiyadorlik jamiyati
Кискартирилган номи:	«Samarqanddonmahsulotlari» AJ
Мулкчилик шакли:	Акциядорлик жамияти
Хукукий манзили:	Ўзбекистон Республикаси, 703033, Самарканд шаҳри, Якубовский кучаси 4 уй Телефон: 239-55-04, факс 239-55-04 “Нуробод дон” филиали Нуробод тумани, Нурбулок кургони
Бошқарув раиси	Ражабов Ориф Эшмурзаевич
Устав фонди	598249,8 минг сумм
Устав фонд таксимоти:	
«Ўздонмахсулот» АК улуши:	51,0 % - 305107,2 минг сум (169504 дона оддий акция)
«Туронбанк» АТБ улуши:	21,34 % - 127638,0 минг сумм (70910 дона оддий акция)
Миноритар акциядорлар улуши:	27,66 % - 165504,6 минг сум (91947 дона оддий акция)
Акциянинг номинал киймати:	1800 сум
Акция сони:	332361 дона
Хизмат курсатувчи банк:	АТБ “Агробанк”
Банк реквизитлари:	Х/р: 20208000900193761001
МФО:	00279
ИНН:	201328304
ОКПО:	00960349
ОКОНХ:	19211
СОАТО:	1718401
КОПФ:	1150
Телефон, факс:	239-55-04, факс 239-55-04

1.2. Жамият тугрисида умумий маълумот

Корхона курилиши 1963 йилда Куйбишев шахридаги лойхалаштириш институти томонидан ишлаб чиқилган лойиха асосида бошланган.

1966 йилда суткасига 240 тонна бугдойни қайта ишлаш қувватига эга булган тегирмон курилиб ишга туширилган.

Корхона Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш кумитаси Самарканд вилояти ҳудудий бошқармасининг 1995 йил 2 мартдаги 179-П сонли буйруғига асосан “Самарканд дон” акциядорлик жамияти деб номланди.

Жамият акциядорларнинг 1997 йил 20 февралдаги умумий йиғилиши қарори ва Давлат мулк кумитасининг 1998 йил 14 июлдаги 416-П сонли буйруғига асосан “Самарканддонмахсулотлари” акциядорлик уюшмаси Бош корхонаси деб номланди.

Корхона Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 августдаги 376-сонли қарори билан “Осиё-Афросиё” акциядорлик жамияти ва “Нуробод дон” масъулияти чекланган жамиятлари филиал сифатида бирлаштирилиб, “Самарканддонмахсулотлари” очик акциядорлик жамияти деб номланди ва устав фонди 220077,0 минг сум қилиб белгиланиб, давлат улуши 26 фоизга етказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14-мартдаги ПК-29 сонли қарорига ва 2005 йил 31 майдаги ПК-90 сонли қарорларига асосан «Самарканддонмахсулотлари» очик акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиб, йиғилиш қарорига ва Самарканд Давлат Мулк Кумитасининг 2005 йил 17-июндаги 31-П сонли буйруғига асосан жамиятнинг устав фонди (жамиятнинг 220077,0 минг сумлик устав фондига давлат улушини ошириш мақсадида қўшимча чиқарилган 112284,0 минг сумлик акцияларни қўйиш ҳисобига) 332361,0 минг сумда белгиланиб, давлат улуши 51 фоизга етказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тугрисида»ги 4053-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида жамиятнинг ҳар бир акциясининг номинал қиймати 2008 йил соф фойдаси ҳисобидан 265 888 800 сумга қўшимча равишда жамият устав жамғармасини ошириш учун номинал қийматини қўтариш ҳисобига ҳар бир дон акция номинал қиймати 1800 сум миқдорида белгиланди ва жамият устав жамғармаси 598 249 800 сумга ёки 420 538,6 АҚШ долларига етказилди.

Жамиятни акциядорларнинг умумий йиғилиши, қўзғатув кенгаши ва ижроия органи бошқаради. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятни бошқаришнинг олий

органидир. Жамият ҳар йили камида бир марта акциядорларнинг умумий йиғилишини утказди.

Жамиятнинг ижро этувчи органи ваколатига жамиятнинг жорий фаолияти раҳбарлигининг барча масалалари киради. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгашининг ваколатига кирган масалалар бундан мустасно.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, конун билан факат акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно.

1.3. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг руйхати

№	Фамилияси ва исми Шарифи	Акция Сони
1.	Салихов Аҳмед Собитович кузатув кенгаши раиси	-
2.	Жумаев Нодир Жаҳонович кузатув кенгаши аъзоси	-
3.	Хасанов Баҳодир Рамзиддинович кузатув кенгаши аъзоси	-
4.	Назаров Султон Абдуҳамидович кузатув кенгаши аъзоси	-
5.	Исломов Шухрат Кадирович кузатув кенгаши аъзоси	-
6.	Узоқов Шухрат Аламович кузатув кенгаши аъзоси	-
7.	Гафуров Абдусамад Абдусадикович кузатув кенгаши аъзоси	-

1.4. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларининг руйхати

№	Фамилияси ва исми Шарифи	Акция сони	Низом жамғарм. нисбатан %.
1	Қиличев Турсунтош Дилшод ўғли	-	-
2	Атамухамедова Умида Файзуллаевна	-	-
3	Акбаралиев Шавкат Турсунович	-	-

Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзолари жамият молия хужалик фаолиятини назорат қилиш учун жамият низомига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланади.

1.5. Жамият ижро этувчи органи аъзоларининг руйхати

№	Фамилияси ва исми шарифи	Иш лавозими	Акция Сони	Киймати минг сум	Низом жамгарм. нисбатан %.
1	Ражабов Ориф	Бошқарув раиси	-	-	-
2	Нурматов Навруз	Молия ва савда буйича директор	-	-	-
3	Исмоилов Алишер	Ишлаб чиқариш буйича директор	-	-	-
4	Шербоев Комил	Бош ҳисобчи	-	-	-
5	Рахматуллаев Шодикул	Ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи	14	25,2	0,000042

Жамият фаолиятининг максоди вилоят аҳолисини ун ва нон маҳсулотлари ҳамда кишлоқ хўжалигини омухта эм, сара уруг ва дон маҳсулотлари билан таъминлаш ҳисобланади. Давлат буюртмасига мувофиқ дон, макка, ут уни ва дон маҳсулотларини кишлоқ хўжалик корхоналаридан, шунингдек аҳолидан тузилган шартномаларга асосан белгиланган тартибда сотиб олади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар белгиланган тартиблар асосида биржа савдоларида ва тузилган шартнома ва буюртмалар буйича сотилади.

1.6. Жамият корхоналари ишлаб чиқариш ва хизмат курсатиш ихтисослиги

Корхонанинг асосий ишлаб чиқариш цехи ҳисобланган тегирмон (суткасига 240 тонна бугдой) 1966 йилда қурилиб ишга туширилган. 1989 йилда Швейцариянинг “Бюллер” фирмасининг лицензияси асосида Россия ҳамда Украина заводларида тайерланган ускуналар билан қайта жиҳозланган. Тегирмон бўлимида 75 фоиз чиқимли, биринчи ва иккинчи навли ун ишлаб чиқарилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015-йил 4 мартдаги «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий узгартириш, модернизациялаш ва деверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастури тугрисида»ги ПФ-4707 сонли фармони ижросини таъминлаш мақсадида Туркия Республикасининг “ALAPALA MAKINA GIDA SANAYI VE TICARET A.S” корхонаси билан 2017 йил 10 августдаги 2017-33 сонли шартномасига асосан тегирмон қисмларини келтириб, 2019 йилда «Самарқанддонмаҳсулотлари» акциядорлик жамиятида қўнлик қуввати 200 тонна бугдойни ишлашга мўлжалланган замонавий типдаги тегирмон қуриб ишга тушурилди.

1979 йилда омухта эм ишлаб чиқариш цехи қуриб ишга туширилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрдаги ПК-1855-сонли қарорига асосан 2014 йилда Украина давлатининг ПАО «Могилёв-Подольский машиностроительный

заводи» нинг ускуналари асосида модернизация килиш натижасида кунлик 100 тонна омухта ем ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди.

- тегирмон цехи суткасига 240 тонна бугдойни қайта ишлаш қувватига эга;

- элеватор 37,5 минг тонна донни сақлаш сигимларига эга;

- 10 800 тонна дон сақлашга мулжалланган 6 та темир сигимлар мавжуд;

- 2 800 тонна сигимга эга бўлган тайёр маҳсулотлар сақлаш омбори мавжуд;

- ёрдамчи цехлар, таҳлилхона, темирйул ва автомобил тарозилари мавжуд;

- Окдарё ДҚҚМ 30000 м² ва Пайарик ДҚҚМ 21000 м² асфальт майдонлар билан таъминланган бўлиб, галла қабул қилиш мавсуми даврида қишлоқ хўжалик қорхоналари билан тузилган шартномага асососан галла қабул қилади ҳамда жамият элеваторига етказиб беради;

- дон маҳсулотларини қабул қилиш ва сақлашга, шунингдек улуғлик галла ишлаб чиқаришга мулжалланган 3-сонли база 8,4 минг тонна донни сақлайдиган айвонлар ҳамда 600 м² асфальт майдонларга эга. 2011 йилнинг май ойида Германия давлатининг «ПЕТКУС» ускуналарини олиб қелиб урнатиш натижасида суткасига 160 тонна сара уруғ тайёрлаш имкониятига эга бўлди;

- Челақ ДҚҚМ да қишлоқ хўжалик қорхоналаридан қабул қилинган галлани сақлашга мулжалланган 10000 тонналик ёпик сигимлар ва асфальт майдон мавжуд. Шунингдек, Челақ ДҚҚМ да жойлашган уруғ цехи 2011 йил май ойида Германия давлатининг «ПЕТКУС» ускуналарини урнатилиши натижасида суткасига 160 тонна бугдой ва арпа донини тайёр уруғ ҳолатига келтираш қувватига эга бўлди;

- Самарқанд ДҚҚМ да қишлоқ хўжалик қорхоналаридан галла қабул қилиш учун 8000 м² асфальт майдон ҳамда қишлоқ хўжалик қорхоналарини уруғлик галла билан таъминлаш учун мулжалланган уруғлик цехи мавжуд бўлиб, уруғлик цехининг қуввати суткасига 60 тоннани ташкил этади;

- Жамиятнинг “Нуробод дон” филиали дон қабул қилиш манзилгоҳи 6000 м² асфальт майдон ва 14 минг тонна галлани сақлашга мулжалланган ёпик сигимлар ҳамда темир йул мавжуд. Шу билан бирга филиалда суткасига 60 тонна сара уруғлик галла таёрлайдиган цех мавжуд;

- Нуробод туманида жойлашган нон цехи 2010 йилда Германия давлатининг «ВАХТЕЛ» ускуналари билан қайта жиҳозланган бўлиб, нон цехи кунлик 2760 кг, бир йилда эса 990 тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Нон цехини барқарор ва фойда билан ишлашини таъминлаш мақсадида жамиятнинг 2017 йил 7 сентябрдаги 146 сонли буйруғи билан “Нуробод нон” цехи “Nurobod non ВМЕ” масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди;

- Самарканд шахри 3-сон база ҳудудида жойлашган нон цехи 2015 йилда Германия давлатидан олиб келинган «ВАХТЕЛ» ускуналари урнатилиб, нон цехи кунлик 2760 кг, бир йилда эса 990 тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини барқарор ва фойда билан ишлашини таъминлаш мақсадида жамиятнинг 2017 йил 14 июндаги 93 сонли буйруғи билан “Afrosiyob shirin non mahsulotlari” масбулияти чекланган жамиятга айлантирилди;

- Пастдаргом туманида “Juma porloq biolaboratoriya” ва Пайарик туманида “Qoraxonī biolaboratoriya servis” МЧЖлар шартнома асосида кишлоқ хужалик корхоналарини биомасулотлар билан таъминламоқда;

- Жамият ишчи ва хизматчиларини сут ва гушт маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида Пастдаргом туманида ёрдамчи хужалик ташкил этилган булиб, ҳозирги кунда 61 бош қорамол ва 232 бош қуй-қузи мавжуд.

1.7. Асосий технологик жараёнлар

Кишлоқ хужалик корхоналаридан дон қабул қилиш манзилгоҳларига қабул қилинган галла қорхона элеваторига олиб келиниб, таҳлилхона ходимлари томонидан намуна олинади ва сифат қурсатқичлари аниқлангандан сунг, автоулов дон туширгич ГУАР-15, ГУАР-30 ёрдамида галла сақлаш учун таҳлилхона ходимларининг қурсатмасига биноан ёпик сигимларга жойлаштирилади.

Элеватордаги галлани ҳарорати ДКТЭ-4 орқали назорат қилиб турилади. Агар галлани ҳарорати меъердан ошса таҳлилхона ходимлари қурсатмасига биноан бошқа сигимга шамоллатиш учун утказилиб биринчи навбатда қайта ишлаш учун узатилади.

Бугдойни тегирмонга утказишдан олдин таҳлилхона мудир, тегирмон бошлиғи ва элеватор бошлиғи билан қилишилган ҳолда мавжуд дондан помолний партия тузилади.

Бугдой БИС-100 сепараторида ҳар хил чиқиндилардан тозаланади, 5 тоннали тарозида тортилиб занжирли транспортер ёрдамида тегирмоннинг дон тозалаш бўлимидаги сигимларга узатилади.

Ажратиб олинган бугдой чиқиндилари сифатига қараб занжирли транспортер орқали темир сигимларига юборилади.

Тегирмонга қабул қилинган бугдой Р6-СВ-6 сепараторида чиқиндилардан тозаланади, РЗ-БКТ-100 тош тозалигич ускунасида эса тошлардан ва Т-6-ТЦ-700 цилиндрли триер ускунасида бугдой таркибидаги арпа ажратилади.

Р6-БМО обоечний ускунасида бугдойни энг устки қобиғи тозаланади.

А1-БМШ бугдой ювгич ускунасида ювилади, ТМЖ аппаратида намланади ва бугдойга 12-16 соатга дам берилади.

Бугдой дам олгач обоечний ускунасида яна устки пустлоги кисман олинади, РЗ-БАБ хава сепаратори ердамида юлинган пустлоги ажратиб олинади хамда тоза бугдой майдалаш булимига вальцовий станокларга узатилади.

Вальцовий станокларда бугдой майдалангандан сунг элакларда эланиб фракцияларга ажратилади ва яна станокларда майдаланаверилади хамда ун элаклардан эланиб, ун навлари билан ва кепак ажратиб олинади.

Ун навларига караб сигимларга узатилади, автомат тарозиларда тортилади ва копларга жойлаштирилгандан сунг ёрликлар тикиб кадокланади хамда тайер махсулот омборига лентали транспортерлар оркали юборилади.

1.8. Маркетинг

Корхонада ишлаб чиқарилган ун махсулотларини харид килувчи асосий мижозлар нон, макарон ва кандолат махсулотлари ишлаб чикувчи корхоналар хамда вилоят аҳолиси хисобланади. Ишлаб чиқарилаётган ун махсулоти Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган тартиблар асосида сотилади.

Ишлаб чиқарилган омухта ем махсулоти «Ўздонмахсулот» АК нинг 2019 йил 4 ноябрдаги 10-1-12/213-2305-сонли ҳатига асосан тўлиқ (100 %) биржа савдолари оркали сотилади.

Ишлаб чиқарилган ун махсулоти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 октябрдаги 866-сонли қарорига асосан ғалланинг бошланғач нархи амалдаги харид нархи, тайёрлаш, ташиш, сақлаш ва бошқа харажатлардан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади ва эркин биржа савдолари оркали сотилади.

«Ўздонмахсулот» АК томонидан берилган ун ишлаб чиқариш топшириқлари ва буйруғи бўйича ун сотиш учун ажратилган хажмлар ун ишлаб чиқариш учун асос қилиб олинади. Корхонада ишлаб чиқарилаётган ун темир моддаси билан бойитилган, яъни фортификацияланган биринчи навли ун ишлаб чиқариш йулга қуйилган.

1 тоннаси сум хисобида

Уртача нарх					
	2018 й.	2019 й.	%	2020 й.	%
Ун	899722	1333333	148	2117386	158,8
Омихта ем	592761	849435	143	870844	102,5

1.9. Корхонанинг махсулот ишлаб чиқариш цехларининг қувватлари.

Жамиятга қарашли Туркия Республикасининг “ALAPALA MAKINA, GIDA SANAYI VE TICARET A.S” корхонасидан келтирилган ускуналар ўрнатилган тегирмоннинг йиллик ун ишлаб чиқариш қуввати 54000 тонна қилиб белгиланган. Буғдойдан ун чиқими 75 фоиз. Кунлик ун ишлаб чиқариш 150 тонна, буғдой ҳисобида 200 тонна булиб, бир йилда 360 иш куни килиб белгиланган.

Омухта ем цехида бир йил давомида 36000 тонна махсулот ишлаб чиқариш қуввати белгиланган. Кунлик омухта ем ишлаб чиқариш эса 120 тонна белгиланган булиб, бир йилда 300 иш куни килиб белгиланган.

Нон ишлаб чиқариш йиллик қуввати 990 тонна белгиланиб, кунлик ишлаб чиқариш 2760 кг, бир йилда 359 иш куни белгиланган.

Корхонага қарашли 4 та уруг цехларда кунлик ишлаб чиқариш қуввати 440 тонна белгиланган булиб, қувватдан тулик фойдаланилса уруглик ишлаб чиқаришни 40 иш кунида ишлаб чиқариш белгиланган.

Корхона Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси баёнида белгиланган ҳамда «Ўздонмахсулот» акциядорлик компаниси томонидан ҳар ойда бериладиган бирлаштирилган топшириққа асосан галлани қайта ишлаб ун ишлаб чиқариш учун элеватордан тегирмон булимига узатади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 17 июлдаги 274-сонли қарорига асосан утган йилга нисбатан махсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш сурати ҳажми кам бўлган тақдирда ҳам таққослама нархларда 100 фоиз килиб олинishi белгиланган.

II. БУЛИМ.
2.1. ИШЛАБ ЧИКАРИШ.
2019 йил якунлари.

Курсаткичлар	улч. бир	2018 йил	2019 йил	2019 йил 2018 йилга нисбатан усиш	
				.,+,-	%
Махсулот ҳажми улгуржи нарх	млн. сум	74097,4	104814,8	+30717,4	141,5
Солиштира нарх	млн. сум	92968,6	96811,8	+3843,2	104,1
Халк истеъмоли моллари, ККС билан	млн. сум	58127,5	55174,7	-2952,8	94,9
Ун	тн	38010,1	33125,0	-4885,1	87,1
Ш.ж витаминли	тн	38006,8	33121,8	-4885,0	87,1
Омухта ем	тн	18267	16797	-1470	92,0
Нон	тн	1567,7	1119,9	-447,8	71,4
Уруг	тн	10601,6	15223,5	+4620	143,6

2019 йил давомида 33125 тонна ун, 1119,9 тонна нон махсулотлари, 16797 тонна омихта ем, 15223,5 тонна сараланган бошокли дон экинлари уруги ишлаб чиқарилди ҳамда кишлоқ хўжалик корхоналарига етказиб берилди.

Ишлаб чиқариладиган махсулот ҳажми улгуржи нархда 104 млрд 814,8 млн сумни, солиштира нархда эса 96 млрд 811,8 млн сумни ҳамда халқ истеъмоли моллари 55 млрд 174,7 млн сумни ташкил этди.

2.2. 2019 йилда туманлардан қабул қилинган галла.

№	Туманлар номи	Товар дон	Уруглик	(тоннада) Жами
1	Нуробод	11810	50	11859
2	Оқдарё	29531	2663	32194
3	Пастдаргом	27	4806	4833
4	Пайарик	36927	3059	39986
5	Самарқанд	9613	1568	11180
6	Қаттакургон		588	588
	Ҳаммаси:	87908	12733	100641

2.3. Молиявий натижа.

2019 йил якунлари ҳамда натижалари.

	2018 йил	2019 йил
Махсулотларни сотишдан соф тушум	94608378	169748893
Сотилган махсулотларнинг таннари	77899473	140610346
Махсулотларни сотишнинг ялпи фойдаси	16708905	29138547
Сотилган махсулот рентабеллиги %	21,4	20,7
Давр харажатлари жами	9727108	13579235
шу жумладан сотиш харажатлари	907184	1721934
маъмурий харажатлар	2627245	4016828
бошка харажатлар	6192679	7840473
Асосий фаолиятнинг бошка даромадлари	168042	770862
Асосий фаолиятнинг фойдаси	7149839	16330174
Асосий фаолиятнинг рентабеллиги	8,16	10,59
Молиявий фаолиятнинг даромадлари	1920	2351
Молиявий фаолиятнинг харажатлари	2538887	2384715
Умумхужалик фаолиятининг фойдаси	4612872	13947810
Рентабеллик %	5,12	8,91
Фойда солиги тулагунга кадар фойда	4612872	13947810
Даромад солиги	430649	1986102
Фойдадан бошка соликлар		
Соф фойда	4182223	11961708
Рентабеллик %	4,62	7,54

III БУЛИМ.

3.1. "Самарканддонмахсулотлари" АЖ ҳамда жамият қошида очилган нон ва нон махсулотлари ишлаб чиқаришга мулжалланган маъсулияти чекланган жамиятларда 2019 йилда ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш ва 2020 йил давомида режалаштирилаётган ишлаб чиқариш

	Ишлаб чиқариш қувватлари, (тонна хисобида)	2019 йилда ишлаб чиқариш, (тонна хисобида)	%	2020 йил режа, (тонна хисобида)	%
Ун	54000	33125,0	61,3	35000	64,8
Омухта ем	36000	16797	46,7	20300	56,4
Нон	1980	1119,9	56,6	1150	58,1
Уруглик галла		15223,5		13025	

3.2. "Самарканддонмахсулотлари" АЖ да 2020 йилда махсулот ишлаб чиқариш ҳажми

3.2. Самарканддонмахсулотлари" АЖ да 2020 йилда махсулот ишлаб чиқариш хажми													
2019 йил солиштирма нархларда				2020 йил режа		шу жумладан чораклар бўйича							
2020 йил 1 январь ҳолатига уйлржи сум		Микдори, тонна	Суммаси минг сум	Микдори, тонна	Суммаси минг сум	1-чорак		2-чорак		3-чорак		4-чорак	
Самарканд дон						Микдори, тонна	Суммаси минг сум	Микдори, тонна	Суммаси минг сум	Микдори, тонна	Суммаси минг сум	Микдори, тонна	Суммаси минг сум
Ун 1-нав витамин	2117385,65	33122	70131518	34998	74104263	9000	19056471	8500	17997778	8500	17997778	8998	19052236
Ун 2-нав	1938619	3	6301	2	3877		0		0		0	2	3877
Ун жами		33125	70137819	35000	74108140	9000	19056471	8500	17997778	8500	17997778	9000	19056113
Келак	800000	10456	8364440	11200	8960000	2880	2304000	2720	2176000	2720	2176000	2880	2304000
Тегирмон жами			78502259		83068140		21360471		20173778		20173778		21360113
Омухта ем	870844	16797	14627569	20300	17678136	5200	4528389	5000	4354221	5000	4354221	5100	4441305
Уруғлик	900000	11813	10631349	10645	9580500		0		0	8645	7780500	2000	1800000
Нон			0	0	0		0		0		0		0
Хаммаси			103761176		110326776		25888860		24527999		32308499		27601418
Нуробод дон филиали													
Нон			0	0	0		0		0		0		0
Уруғлик	900000	3411	3069801	2380	2142000					2380	2142000		0
Корхона бўйича хаммаси													
Ун		33125	70137819	35000	74108140	9000	19056471	8500	17997778	8500	17997778	9000	19056113
Келак		10456	8364440	11200	8960000	2880	2304000	2720	2176000	2720	2176000	2880	2304000
Тегирмон жами			78502259		83068140		21360471		20173778		20173778		21360113
Омухта ем		16797	14627569	20300	17678136	5200	4528389	5000	4354221	5000	4354221	5100	4441305
Уруғлик		15223,5	13701150	13025	11722500					11025	9922500	2000	1800000
Нон		0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
Жами			106830977		112468776		25888860		24527999		34450499		27601418

Б.П-2020

21,80872

30,63117

24,54141

3.3. "Самарканддонмахсулотлари" АЖ да 2020 йилда режалаштирилган молиявий натижалар.

	2018 йил	2019 йил	2020 йил режа	(минг сумда) шу жумладан			
				1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
Махсулотларни сотишдан соф тушум	94608378	169748893	181631316	41809184	39611462	55635792	44574878
Сотилган махсулотларнинг таннари	77899473	140610346	157202367	36185955	34283822	48152920	38579670
Махсулотларни сотишнинг ялпи фойдаси	16708905	29138547	24428949	5623229	5327641	7482872	5995207
Сотилган махсулот рентабеллиги %	21,4	20,7	15,5	15,5	15,5	15,5	15,5
Давр харажатлари жами	9727108	13579235	14677099	3378479	3200887	4495767	3601966
шу жумладан сотиш харажатлари	907184	1721934	1825250	420149	398064	559095	447942
маъмурий харажатлар	2627245	4016828	4619352	1063315	1007422	1414961	1133654
бошка харажатлар	6192679	7840473	8232497	1895014	1795402	2521710	2020370
Асосий фаолиятнинг бошка даромадлари	168042	770862	863365	198736	188289	264459	211882
Асосий фаолиятнинг фойдаси	7149839	16330174	10615215	2443486	2315042	3251564	2605123
Асосий фаолиятнинг рентабеллиги	8,16	10,59	6,18	6,18	6,18	6,18	6,18
Молиявий фаолиятнинг даромадлари	1920	2351	2633	606	574	807	646
Молиявий фаолиятнинг харажатлари	2538887	2384715	2408562	554420	525277	737771	591095
Умумхужалик фаолиятининг фойдаси	4612872	13947810	8209286	1889672	1790340	2514600	2014674
Рентабеллик %	5,12	8,91	4,71	4,71	4,71	4,71	4,71
Фойда солиги тулагуна кадар фойда	4612872	13947810	8209286	1889672	1790340	2514600	2014674
Даромад солиги	430649	1986102	1231393	283451	268551	377190	302201
Фойдадан бошка соликлар							
Соф фойда	4182223	11961708	6977893	1606221	1521789	2137410	1712473
Рентабеллик %	4,62	7,54	3,98	3,98	3,98	3,98	3,98

3.4. Корхонанинг 2020 йил галла ҳосили даврида туманлар кишлок хужалик корхоналаридан галла қабул қилиш ҳажмлари

(тонна)

Туман номи	Қабул қилинадиган дон миқдори	Шу жумладан	
		Товар дон Ҳами	Уруғлик дон
Нуробод	9624	7244	2380
Оқдарё	32655	30555	2100
Пайарик	41082	37737	3345
Самарқанд	9308	8108	1200
Пастдарғом	4000		4000
Ҳ А М И	96669	83644	13025

2020 йил ҳосилидан давлат ресурсига бошқоқли дон ва уруғлик харид қилиш бўйича 1524 та кишлок хужалиги корхоналари билан 96669 тонна галла, шундан 83644 тонна товар дон, 13025 тонна уруғлик қабул қилиш учун контрактация шартномалар тузилган. Галла Самарқанд, Оқдарё, Пайарик, Пастдарғом ва Нуробод туманларидан қабул қилинади. Қабул қилинган галла ун, нон, омихта ем ҳамда кишлок хужалик корхоналарига уруғлик галла маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун сарфланади.

Галлани хужаликлардан ДҚҚМ гача ташиб келтириш учун транспорт хизматига давлат томонидан белгиланган чекланган тарифларда, ДҚҚМ дан корхонагача ташиб келиш учун миқозларга келишилган тарифларда туланади, тарифлар давлат томонидан белгиланган чекланган тарифларидан юқори бўлмаслиги керак.

3.5. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарф бўладиган хом ашёлар.

(тонна)

Қурсатқичлар	2018 й	2019 й	2020 й режа
Ун ишлаб чиқариш учун бугдой сарфи	50630	44135	46666,7
Омухта ем ишлаб чиқариш учун ҳами	18452	17525	20505

3.6. Махсулот ишлаб чиқариш учун электр-энергия харажатлари.

Ишлаб чиқариш цехларига электр-энергия, сув ва табиий газ улчаш счетчиклари урнатиш, меъёр буйича сарфлаш, ҳамда иктисод килишни таъминлаш.

Махсулот тури	2020 йилда махсулот ишлаб чиқариш тонна	Электр-энергия	
		1 тонна учун меъёр кВт/соат	Жами минг кВт/соат
Самарканд дон			
Ун	35000	92,2	3227,0
Омухта ем	20300	25,2	511,6
Уруг	10645	30	319,4
Юк айланиши	65945	3	197,8
Жами			4255,7
Нуробод дон филиали			
Уруг	2380	30	71,4
Грузооборот	2380	3	7,1
Жами			78,5
Корхона буйича жами			4334,3
Иктисод килиш 2 %			86,7

3.7. 2020 йилда бажариладиган ишлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 июндаги “Ўзбекистон Республикасида замонавий уруғчилик кластерларини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 512-сонли қарорига асосан жамиятга қарашли уруғчилик цехларини кластер шаклига босқичма-босқич ўтказиш.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни ижроси юзасидан “Ўздонмахсулот” АКнинг 2019 йил 9 декабрдаги № 11-1-5/328-2587 сонли хатига асосан, корхона томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилишда шартнома қийматларига мувофиқ электрон дуқон, аукцион, танлов ёки тендер савдолари орқали амалга ошириш, технологик жихозлар ва ускуналарни компаниянинг рухсатига асосан электрон дуқон, аукцион, танлов ёки тендер савдолари орқали амалга ошириш мақсадида 2020 йилда «Манзилли қурилишлар» дастурига қуйидаги асосий воситалар сотиб олиш мулжалланган:

1. Ремен хар хил	3000 дона	90,0 млн сум;
2. Компьютер замонавий типдаги	3 дона	15,0 млн сум;
3. Нория лента 400-7 тк	200 п/метр	8,0 млн сум;
4. Транспортёр лента 650-4	300 п/метр	12,0 млн сум;
5. Кондиционер	4 дона	16,0 млн сум;
6. Офис учун гарнитур	2 комплект	8,0 млн сум;
7. Офис учун стол	2 комплект	9,0 млн сум;
Жами:		158,0 млн сум

«Тегирмоннонвойхонажихозлари» МЧЖ дан эҳтиёт-қисмлар ва асбоб-ускуналари сотиб олиш - 110,0 млн сум.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 333-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4058-сонли Фармони ижросини таъминлаш, яъни жамиятда қабул қилинган бошқоқли дон ҳосилини очик майдонлардан ёпик сизимларга ташиб киритишда сарф харажатларни қисқартириш мақсадида ҳамда транспорт ташкилотларидан қарздорликни қисқартириш ва ёлланма транспортдан фойдаланмасдан жамият қошида масъулияти чекланган жамият ташкил қилиш ва масъулияти чекланган жамиятга «MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонасидан банк кредити асосида 4 дон дон ташиш автомобилларини сотиб олиш.

Жамиятда ғалла ҳосилини нес нобут қилмасдан, сифатли саклаш ҳамда сарф харажатларни қисқартириш мақсадида корхона ҳудудида 10000 тонна ғалла саклашга мулжалланган ёпик сизим қуриш.

Молиявий манбаи:

Корхона таъсисчиларининг (акциядор) маблағи - 500 млн. сўм;

Банк кредити - 500 млн. сўм.

Корхонада ишчи-ҳодимларга қулайликлар яратиш мақсадида жамиятнинг маънавий эскирган маъмурий биносини замонавий тарзда қайта таъмирлаш ҳамда маъмурий бионинг том қисмини замонавий тарзда қайта ёпиш.

Молиявий манбаи:

Корхона таъсисчиларининг (акциядор) маблағи - 800,0 млн. сум.;

Жамиятнинг 1966 йилда қуриб ишга туширилган ва 1989 йилда қайта жиҳозланган тегирмон цехини ишлаб чиқариш зарурати инобатга олиб капитал таъмирлаш.

Корхона таъсисчиларининг (акциядор) маблағи - 1500 млн. сум.;

Жамиятда фаолият олиб боровчи ишчи-ҳодимларга қулайликлар яратиш, яъни ишчи-ҳодимларнинг иш жойларини совуқ кунларда иситиш мақсадида замонавий, тежамкор котёл қуриб ишга тушириш.

Молиявий манбаи:

Корхона таъсисчиларининг (акциядор) маблағи - 650,0 млн. сум.;

Корхона цехларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида ҳудудга 1000 кВтлик қўшимча электр энергияси линиясини тортиш.

Молиявий манбаи:

Корхона таъсисчиларининг (акциядор) маблағи - 300,0 млн. сум.;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Самарканд вилоятининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини янада ривожлантириш чора – тадбирлари тугрисида» ги 2011 йил 7 декабрдаги 01-02-23-91-сонли йигилиш баёни ижросини таъминлаш бўйича «Ўздонмахсулот» АК нинг 2011 йил 13 декабрдаги 12-2/8-160-1793-сонли ва «Самарканддонмахсулотлари» АЖ нинг 2011 йил 9 декабрдаги 02-589-сонли хатлари ижросини таъминлаш мақсадида, яъни Самарканд шаҳридаги Хужа Дониёр зиёратгоҳи қаршисида жойлашган «Самарканддонмахсулотлари» АЖ нинг «Осиё-

Афросиёб» филиали маънавий эскирган биноларини бузиш натижасида жамиятга келтирилган киймати 95,4 млн. сумлик ортиқча асосий воситалар, эҳтиёт қисмлар ва товар моддий бойликларни белгиланган тартибларда қайта баҳолатган ҳолда биржа орқали сотиш ҳамда яроқсиз эҳтиёт қисмларни ҳисобдан чиқариб металлومга топшириш.

Шунингдек, жамиятнинг транспорт бўлимида ҳозирги кунда мавжуд қуйидаги ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этмаётган, жисмоний эскирган ҳамда техник носоз транспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш ва белгиланган тартибда сотувга қуйиш:

1) Қайта баҳолатган ҳолда биржа орқали сотиш;

№	Транспорт воситасининг тури	Янги давлат раками	Маркаси	Ишлаб чиқарилган йили	Изоҳ
1	Енил автомашина	30 676 JAA	Эсперо	1998	Сотилади
2	Енил автомашина	30 948 JAA	Нексия	1999	Сотилади
3	Енил автомашина	30 950 JAA	Нексия	2001	Сотилади
4	Енил автомашина	30 671 JAA	Нексия	2001	Сотилади
5	Енил автомашина	30 698 JAA	Тико	1996	Сотилади
6	Енил автомашина	30 752 JAA	ГАЗ 31029	1996	Сотилади
7	Енил автомашина	30 207 KAA	Ласетти	2010	Сотилади

2) Белгиланган тартибларда ҳисобдан чиқариш;

№	Транспорт воситасининг тури	Янги давлат раками	Маркаси	Ишлаб чиқарилган йили	Изоҳ
1	Автобус	30 669 JAA	ПАЗ 3205	1990	Техник яроқсиз
2	Юк автомашинаси	30 679 JAA	ГАЗ 5312	1989	Техник яроқсиз
3	Юк автомашинаси	30 685 JAA	ГАЗ 5203	1977	Техник яроқсиз
4	Юк автомашинаси	30 699 JAA	ЗИЛ 138	1971	Техник яроқсиз
5	Юк автомашина	14 АН 338	САЗ 3507	1974	Техник яроқсиз
6	Енил автомашина	30 694 JAA	ГАЗ 2410	1992	Техник яроқсиз
7	Енил автомашина	30 951 JAA	Тико	1996	Техник яроқсиз
8	Т-28 Х4	8137 СЗ	8137 СЗ	1983	Техник носоз
9	Автопогрузчик ПЭ-0,85-1,8 тТ			1981	Техник носоз
10	Юк автомашина	30 681 JAA	Камаз 5511	1988	Техник носоз

Галла қабул қилиш мавсуми тугагач ҳамма дон қабул қилиш манзилгоҳлари ва уругчилик цехларини ноябр-май ойларида консервация қилиш.

Белгиланган меёрий ҳужжатлар асосида белгиланган ҳомийлик ёрдамларини курсатиш – 500 млн сум.

Жамиятга қарашли филиал ва дон қабул қилиш манзилгоҳларида 2020 йил ҳосилини қабул қилиш учун моддий техника базасини тайёрлаш – 600 млн сум.

Жамият қошида ташкил этилган маъсулияти чекланган жамиятларнинг сарф харажатларни ошиб кетишини олдини олиш ва фойда билан ишлаши учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш.

IV. БУЛИМ.

Ишчи ва хизматчиларни ижтимоий жихатдан ҳимоялаш

Меҳнат ҳақи соатбай тариф сеткаси ва лавозим маоши бўйича амалга оширилади:

- тунги вақтда ва дам олиш кунларида ишлаган ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ҳақиға қушимча 50 % тулаб берилади.

- байрам кунлари ишлаган ишчи - хизматчиларнинг ишлаган кунига 2 баробар меҳнат ҳақи тулаб берилади.

Галла тайёрлаш мавсумида меҳнат қилган ишчи-хизматчиларға иш куни меъёрланмаганлиги учун қушимча 30 % иш ҳақи туланади.

Оғир ва зарарли ишларда ишлаган ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошларига санитар-гигиена паспортида курсатилган фоиз бўйича қушимча иш ҳақи тулаб берилади.

Қорхона ишчи хизматчилари 55-60 ёшға тулганларида (нафақа ёшиға етганларида) икки ойлик иш ҳақи миқдорида муқофот пули туланади. Шунингдек, аёллар 50 ёшға ва эрқаклар 55 ёшға тулиши муносабати билан рағбатлантирилади.

Қорхона ишчиларининг яқин қариндошлари (отаси, онаси, умр йулдоши, болалари) вафот этганда қорхона томонидан моддий ёрдам курсатилади.

Қорхонада ишловчи ходимлардан моддий ёрдамға муқтожларға, яъни оғир бетоб булганда, яшаш шароити қескин қийинлашганда уларнинг ёзган аризасини инобатға олиб, қасаба қумитасининг розилиги билан моддий ёрдам курсатилади.

Жамиятда фаолият олиб бораётган боқувчисини йўқотган ва ёлғиз аёлларни қўллаб қувватлаш мақсадида уларға моддий томондан қўмаклашиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўрнатилган энг қам иш ҳақи базавий миқдорининг икки барабари ҳисобида ҳар ой рағбатлантириш.

Корхона ишчи-ходимлари фарзандларини болалар дам олиш оромгохида дам олиш учун йуланмалар берилади ва тартибли равишда олиб бориш ва олиб келиш учун корхона транспорт воситаси ажратади.

Хар чорак ва йил якуни билан ишда уртак курсатган ишчи-хизматчилар маъмурият томонидан рағбатлантирилади.

Корхона ишчи-хизматчиларининг бахтсиз ходиса оқибатида (яшаш жойида ёнгин чикса, сув тошқини, ер кимирилаш каби ходисалар) турар жойлари яроқсиз ҳолга келганда, корхона маъмуриятининг иштирокида урганиб чиқилгандан кейин далолатномага асосан маъмурият томонидан ёрдам курсатилади.

Хотира куни муносабати билан корхонада ишлаб келаётган ва нафақага чиққан уруш ветеранлари, Афғонистон воқеаси катнашчилари, ҳамда уруш пайтида фронт ортида меҳнат қилган ходимларни муқофотлайди.

Ўзбекистон Республикасида нишонланадиган барча байрамларни нишонлайди ва ишда уртак курсатган ишчи ва хизматчиларини муқофотлайди.

Корхонада доимий ишда ишловчи барча ишчиларга тушлик қилиш учун маблағ ажратилади ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш йулга қўйилади.

Корхонада ишловчи ишчи-хизматчиларнинг соғлиқларини тиклаш мақсадида Республика ҳудудидаги дам олиш оромгоҳларига йуланмалар ажратилади.

3 декабрь «Бутун дунё ногиронлар куни» муносабати билан Самарқанд шаҳар меҳрибонлик уйида тарбияланувчи болалар, корхонада ишловчи ногиронлар ва ишчи-хизматчиларининг ногирон фарзандларини маънавий қўллаб қувватлаш мақсадида моддий ёрдам курсатилади.

“Самарқанддонмаҳсулотлари” АЖ раиси

Ишлаб чиқариш бўйича директор

Молия ва савдо бўйича директор

Бош ҳисобчи

Ходимлар бўлими бошлиғи



О.Ражабов

А.Иомоилов

Н.Нурматов

К.Шербоев

Ш.Раҳматуллаев